

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Мургазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Ҳамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎЗР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

СЎЗ БОШИ	5
1.Кобзева О. П. ИПАК ЙЎЛИНИНГ ХИТОЙ ТАРИХШУНОСЛИГИДАГИ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ.....	6
2.Кебадзе М., Лекидзе Т. XX ASARNING 30-YILLARIDA KAXETIDAGI REPRESSIYALAR ZEMO ALVANI VA KVEMO ALVANI QISHLOQLARI MISOLIDA.....	15
3.Холиқова Р.Э. БУХОРО ХОНЛИГИДАГИ РАБОТ ВА САРДОБАЛАР ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН.....	19
4.Муҳитдинова Ф.А. СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ: ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ.....	27
5.Ҳайдаров М.М. УЧ РЕСПУБЛИКА КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА (ТУРКИСТОН АССР, БХСР, ХХСР) СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИНГ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛИШИ ВА МОҲИЯТИ.....	43
6.Абраров С.А. ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН.....	51
7.Рахмонқулова З. XIХ- XX АСР БОШЛАРИДА ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИ ВА УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚАЛАР ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	59
8.Абдуллаев Ў.Ш. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРДА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	67
9.Абдурасулова Д.Т. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲАР САНОАТИ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	72
10.Абдурахманова Ж.Н. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ГРЕК ХАЛҚИ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ (ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИРИЛГАН ГРЕКЛАР МИСОЛИДА).....	79
11.Азаматова Г.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН МИГРАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ.....	85

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 12. Alimdjanov B.A., Jakparov J.I.**
"SART" ATAMASINING KELIB CHIQISHI HAQIDA V.V. BARTOL'D,
S.LAPIN ORASIDA MUNOZARA.....91
- 13. Амонова Ф.С.**
XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА
ТАШКИЛ ТОПГАН РУС САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ҲАҚИДА.....99
- 14. Ахмедов Т.О.**
"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ
ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА
ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР.....110
- 15. Аҳмедова Р.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ ШИФО МАСКАНЛАРИНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА).....117
- 16. Бабаджанова Н.А.**
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
(1946-1991 йиллар).....124
- 17. Бобожонов И.У.**
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....137
- 18. Бобожонов Ш.**
ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ
ҚАДАМЖОСИНИНГ ЎРНИ.....145
- 19. Бабабеков А.Д.**
XX АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ
ҲУДУДЛАРИ АҲОЛИСИ ЭТНОИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА
САВДО-СОТИҚНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ
(САНГЗОР-ЗОМИН МИНТАҚАСИ МИСОЛИДА).....153
- 20. Базарова М. М.**
ЎРТА АСРЛАР ТУРОН ЗАМИН ОЛИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН
ИЛМ-ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....165
- 21. Bohodirov I.**
TURKISTON BOSHQARUV TIZIMIDAGI NOMUTANOSIBLIK
VA XALQ KOMISSARLARI SOVETIDAGI ICHKI ZIDDIYATLARNING
O'LKA HAYOTIGA TA'SIRI (1917-1924 YILLAR).....171
- 22. Бегамова Н. Х.**
МУҒУЛ ДАВЛАТИНИНГ ИЖТИМОЙ ТУЗИЛИШИ ВА ҲУДУДИ.....183

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ахмедов Тўлқин,
Самарқанд давлат университети докторанти (PhD),
tolkinahmedov2015@gmail.com

"ЗАРАФШОН МУЗОФОТИНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МУВАҚҚАТ ҚОИДАЛАР"НИНГ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР

For citation: Axmedov Tulqin. ABOUT THE SCIENTIFIC INVESTIGATION OF "TEMPORARY RULES OF GOVERNING ZARAFSHAN DISTRICT". Look to the past. 2020, SI, pp. 110-116

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-14>

АННОТАЦИЯ

Мақолада 1868-1886 йилларда мавжуд бўлган Зарафшон музофотининг қонунчилик ҳужжати ҳисобланган "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар"нинг илмий тадқиқотларда ўрганилиши хусусида сўз боради. Мазкур ҳужжатнинг тарихий манба сифатидаги аҳамияти, мақоми ва қонунчилик хусусиятини очиқ бериш мақсадида мавзуга доир махсус тарихий адабиётлар ва Россия империясининг Туркистондаги бошқарув муассасалари ҳисобланган Туркистон ўлкаси бошлиғи маҳкамаси, Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси ва Каттақўрғон бўлими бошлиғи бошқаруви ҳужжатлари асосида қиёсий таҳлил, мантиқий синфлаштириш ташқи ва ички таҳлил амалга оширилган.

Калит сўзлар: низом лойиҳаси, муваққат низом, муваққат қоидалар, қонунчилик ҳужжати, қонунчилик хусусияти, ҳужжатнинг тўлалиги, ташқи ва ички таҳлил, қиёсий таҳлил.

Ахмедов Тулкин,
докторант Самаркандского государственного
университета (PhD)
tolkinahmedov2015@gmail.com

К ИЗВУЧЕНИЮ В ИСТОРИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ

"ВРЕМЕННЫХ ПРАВИЛ ПО УПРАВЛЕНИЮ ЗЕРАВШАНСКОМ ОКРУГОМ"

АННОТАЦИЯ

В этой статье обсуждается научное исследование "Временных правил по управлению Зеравшанском округом", который был законодательным актом Зеравшанского округа в 1868-1886 гг. Был выполнен сравнительный анализ, логическая внутренняя и внешняя классификация на основе специальной исторической литературы по предмету и документам Канцелярии главного начальника края, Канцелярии начальника Зеравшанского округа и Управление Каттакурганского отдела.

Ключевые слова: проект положения, временные правила, законодательный документ, законодательный характеристика, полнота документа, внешней и внутренней анализ, сравнительной анализ.

Axmedov Tulqin,

PhD candidate of Samarkand state university,
tolkinahmedov2015@gmail.com

ABOUT THE SCIENTIFIC INVESTIGATION OF "TEMPORARY RULES OF GOVERNING ZARAFSHAN DISTRICT"

ABSTRACT

This article studied the research of scientific investigation of "Temporary rules of governing Zarafshan district" which was legislative document of Zarafshan district in 1868-1886. Special historical literature and documents of Turkestan, Zarafshan and Kattakurgan regional management were studied in order to study the importance, place and legislative peculiarities by comparative analysis, logical grouping and outer-inner analyzing.

Index Terms: project of rules, temporary rules, acts of legislation, law-making process, exhaustive of act, outer-inner analyzing, comparative analyzing.

Долзарблиги. XIX аср иккинчи ярмида Россия империяси томонидан Марказий Осиёда амалга оширилган ҳарбий юришлар давомида эгалланган ҳудудларни бошқариш учун бир нечта қонунчилик хусусиятига эга ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улардан бири "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар"дир. Мазкур ҳужжатнинг ўрганилиши XIX аср иккинчи ярмида ўрта ва юқори Зарафшон водийсида қарор топган бошқарув тизимининг хусусиятларини очиқ беришга хизмат қилади. Шу билан бирга, "муваққат қоидалар" мустамчилик даври тарихини ёритишда қонунчилик материали сифатида муҳим манбалардан бири ҳисобланади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошлари Самарқанд тарихи, хусусан, 1868-1886 йилларда мавжуд бўлган Зарафшон музофоти ҳаётининг турли масалаларига бағишланган тадқиқотларнинг аксариятида музофотни бошқариш бўйича ишлаб чиқилган "муваққат қоидалар"га тўхталиб ўтилган [1,2,4,5,6,10].

Жумладан, Т.Саидқулов архив материалларига ҳавола келтириб, "Муваққат низом"нинг 1-моддасига мувофиқ, алоҳида Зарафшон музофоти расман Россия

империяси таркибига кирмаганлигини, лекин подшо ҳукуматининг махфий йўриқномасига асосан бевосита Туркистон ўлкаси бошлиғига бўйсунганлигини таъкидлайди. Шунингдек, музофотнинг икки бўлими - Самарқанд ва Каттақўрғон ўртасидаги чегараларнинг "илгари Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари ўртасида мавжуд бўлган чегаралар" асосида белгиланиши кўрсатилган. "Муваққат низом" подшо ҳокимиятидан ташқари, оқсоқоллар ва аминлар шахсида маҳаллий маъмуриятнинг ташкил этилишини ҳамда ҳамма ҳисоб-китобларнинг барча кўринишдаги Бухоро тангаларининг қабул қилиниши шарти билан Россия кумуш тангаларида амалга оширилишини кўзда тутган [5, С.101-102]. Ҳаволада монографияда келтирилган ушбу маълумотларнинг "Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси" жамғармаси, 34-рўйхат, 20-иш (янги рўйхат бўйича 12-иш - Т.А.) нинг 31-32-варақларидан олинганлиги кўрсатилади.

Самарқанд тарихи бўйича 1969 ва 1971 йилларда рус ва ўзбек тилларида чоп этилган махсус адабиётларда ҳам юқорида келтирилган маълумотлар айнан такрорланган.

Бироқ ишнинг ўзи билан яқиндан танишиш натижасида, унинг 31-34-варақларида музофотни бошқариш бўйича "муваққат қоидалар"нинг айрим моддаларига Россия империяси Ташқи ишлар вазирлиги Осие департаменти директори, махфий маслаҳатчи П.С.Стремоухов томонидан келтирилган мулоҳазалар ва қайдларни кўришимиз мумкин.

Унинг 1868-йил 7-ноябрда ўлка бошлиғига юборилган махсус хатида "императорнинг хоҳиш-истагига мувофиқ Зарафшон музофоти Россия империяси мулклари таркибига кирмаслиги лозимлиги, бу ўлканинг эгалланиши вақтинчалик бўлиб, бундай ҳолатда ўлкага қандайдир янги маъмурий тартибларни киритиш ўзини оқламадлиги" таъкидланади [7, В.31]. Осие департаменти директори "муваққат қоидалар"да Зарафшон музофоти Россия империяси таркибига кирмаслиги лозимлигига тўғридан тўғри уқтирилмаганлигига эътироз билдиради [7, В.32].

Демак, Зарафшон музофоти, уни бошқариш учун ишлаб чиқилган "муваққат қоидалар"нинг 1-моддасига эмас, балки Россия императорининг хоҳиш-иродасига кўра, империя мулклари таркибига кирмаслиги лозим эди. Кейинги масала Зарафшон музофотини бошқариш бўйича ишлаб чиқилган ҳужжатнинг тадқиқотларда номланиши бўлиб, Т.Саидқулов ва К.Пардаевларнинг тадқиқотларида, шунингдек, Самарқанд тарихи бўйича махсус адабиётларда унга нисбатан "муваққат низом" тушунчасини қўлланилган [4, Б.61]. "Низом" ва "қоида" тушунчалари мазмун жиҳатдан бир-бирига яқин бўлишига қарамасдан, расмий ҳукумат ҳужжатларида улар ҳар доим алоҳида алоҳида кўрсатилган. "Низом" "қоида"га нисбатан юқорироқ мавқега эга бўлиб, буни "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар"нинг 1867 йилда Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш бўйича Низом лойиҳасига асосида ишлаб чиқилганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ўлка бошлиғи К.П. фон Кауфман 1868 йил 18 октябрда Ҳарбий вазирга ёзган 163-сонли муносабат хатида Зарафшон музофотини тузишда Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш бўйича Низом лойиҳаси асос қилиб олинганлигини билдирган бўлса [7, В.29], Осие департаменти директори Стремоухов "муваққат қоидалар"да "Низом лойиҳаси"да ўлкани рушлаштиришга қаратилган барча предметларнинг ўз ифодасини топганлигини таъкидлаган эди [7, В.31от]. Шу асосда Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидаларнинг Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича Низом лойиҳаси асосида ишлаб чиқилганлигини ва

уларни мавзу доирасидаги тадқиқотларда "муваққат қоидалар" номи билан кўрсатилиши илмий ва мантиқий жиҳатдан тўғри бўлишини тасдиқлаш мумкин.

"Зарафшон музофоти бошқариш бўйича муваққат қоидалар" билан боғлиқ юқорида келтирилган ҳолатлар бизни мазкур ҳужжатнинг ўзига ва уни очиб беришга хизмат қиладиган бошқа ҳужжатларга мурожаат этишга ҳамда уларни манбашуносликнинг назарий ва амалий услублари, хусусан, унинг замоанвий концептуал-методологик ёндошувлари ҳисобланган мавзуга доир ёзма манбаларнинг қиёсий таҳлили, мантиқий синфлаштириш ва контент-таҳлил услублари ёрдамида таҳлил этишга ундайди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган 5-жамғарманинг 1-иши "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар ва штатлар" деб номланади. Албатта, тадқиқотчи учун муҳим бўлган ҳужжат. Ишда Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман томонидан 1868 йил 28 июнда имзоланган 46-сонли фармойиш келтирилган бўлиб, унда "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар"нинг тасдиқланганлиги ва уларни музофот бошқаруви қўллаш мумкинлиги таъкидланган [9, в.1].

Бироқ ишда "муваққат қоидалар"нинг ўзи келтирилмаган. Иш устида олиб борилган ташқи таҳлил натижасида унда 2-5 ва 7-17-варақларнинг мавжуд эмаслигига гувоҳ бўламиз. Ваҳоланки, ишнинг бошида келтирилган рўйхатда Туркистон генерал-губернаторининг 46-сонли фармойиши, Муваққат қоидалар ва штатлар билан бирга, 1-17-варақлардан жой олганлиги кўрсатилган.

Ишда келтирилган бошқа ҳужжатлар, жумладан, "муваққат қоидалар"нинг алоҳида моддаларига ўзгартиш киритиш бўйича олиб борилган ёзишмалар орқали унинг фақат 8-, 11-, 12-, 20-, 23-, 30-, 39-, 40-, 43-45-, 50-, 55-, 60-70-, 75-, 77-, 83-84- ва 87-моддалари билан танишиш мумкин [9, вв.18, 19, 33-33от, 34-34от ва 35]. Шунингдек, Стремоуховнинг юқорида қайд этилган хати "муваққат қоидалар"нинг 1-, 10-, 12-, 17-18-, 21- ва 69-70-моддаларини қисман таҳлил қилиш имкониятини беради [7, вв.32-34]. Қисман дейилишига сабаб, Зарафшон музофотида алоҳида бошқарувнинг жорий этилишига нисбатан Россия империяси Ташқи ишлар вазирлиги позицияни ҳимоя қилиб чиққан Стремоухов, "муваққат қоидалар"нинг ўлкани рушлаштириш мақсадлари кучли бўлган моддаларига ва танлаб олинган моддаларнинг алоҳида қисмларига ўз эътирозларини билдирган эди.

Мазкур босқичда қўлимизда мавжуд бўлган маълумотлар "муваққат қоидалар"нинг фақат 26 та моддаси билан тўла ёки қисман танишиш имкониятини беради. Албатта, бундай ҳолатда муҳим ёзма манба сифатида қайд этилган қонунчилик ҳужжати комплекси ўрганиш, унинг таркибий тузилишини таҳлил этиш ва олинган маълумотларни умумлаштириш орқали ўрта Зарафшон водийсида ўрнатилган мустамлакачилик бошқарув тизими тузилмасини тўлалигича очиб бериб бўлмайди. Чунки тадқиқот доирасига тортилган ёзма манбанинг тўлалигига даъво қила олмаймиз. Шунингдек, "муваққат қоидалар"да Зарафшон музофоти бошқарувидаги қайси масалаларга кўпроқ эътибор қаратилганлиги ҳамда уни ишлаб чиқишда 1867 йилги Низом лойиҳасига қай даражада асосланганлиги мавҳумлигича қолади. Манбашунослик тадқиқоти доирасини кенгайтириш, Зарафшон музофотида ўрнатилган бошқарув тарихини ёритишга хизмат қиладиган бошқа ишлар ва ҳужжатларни унга жалб этиш орқали юзага келган тўлиқсизликни тўлдиришга ва мавҳумликни илмий жиҳатдан очиб беришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида олиб борилган тадқиқотлар давомида 22-жамғарма ("Каттақўрғон бўлими бошлиғи бошқаруви" - Т.А.) да сақланаётган 3-иш эътиборимизни тортди. 48 варақдан иборат бўлган мазкур иш "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар ва штатлар. Россия мулклари ва Бухоро амирлиги ўртасидаги чегаралар баёни" деб номланади[8].

Мазкур ҳужжат асл нусха бўлмасада, амалга оширилган ташқи таҳлил натижасида, унинг махсус муҳрланган қоғозга кўчирилганлиги ва аслига тўғри эканлиги Зарафшон музофоти бошлиғининг алоҳида топшириқлар бўйича катта хизматчиси Н.Шербинский томонидан тасдиқланганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳужжатнинг 2-18от-варақларидан жой олган "Муваққат қоидалар" жами 93 та моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддасида "Туркистон ўлкаси узил-кесил шакллантирилгунга қадар, 1868 йилда Бухоро хонлигидан қўлга киритилган ерлардан алоҳида Зарафшон музофоти ташкил этилади", деб таъкидланган[8, в.2].

Мазкур ҳужжат XIX аср иккинчи ярми Самарқанд, хусусан, Зарафшон музофоти ҳаётининг турли соҳалари тарихи бўйича амалга ошириладиган тадқиқотлар учун катта манбавий аҳамиятга эга. Бу биринчидан, унинг мустамлака давр давлат муассасаларининг сақланиб қолган иш юритиш ҳужжатлари орасида ягоналиги, иккинчидан, ёзма манба сифатида тўлаллиги ва ишончлилиги билан изоҳланади.

Таркибий тузилишига кўра, қонунчилик ҳужжати 5 та бўлимдан иборат бўлиб, улар қуйидагилар: I. Музофотнинг маъмурий тузилиши; II. Музофотнинг судлов тузилиши; III. Солиқлар, йиғимлар ва мажбуриятлар; IV. Даромадларнинг кирими ва чиқими, ҳисоблар ва жўнатилган пулларни юритиш; V. Музофот тиббиёт қисмининг тузилиши; Ҳар бир бўлим ўз навбатида бобларга ажратилган.

Ҳужжатнинг ички таҳлили унда музофотнинг иқтисодий ва ҳўжалик масалаларига кўпроқ эътибор қаратилганлигини кўрасатади. Масалан, "муваққат қоидалар"нинг 21 та моддаси (1-21-моддалар) музофотнинг ташкил этилиши, чегараланиши, унинг бошқарилиши, бўлимлар бошқаруви ва маҳаллий бошқарув масалаларига бағишланган бўлса[8, вв.2-5от], унинг 47 та моддасида (43-89-моддалар) музофотнинг ҳўжалик ва иқтисодий ҳаёти билан масалалар ўз ифодасини топган[8, вв.9от-17от]. Музофотнинг тиббиёт қисми тузилиши 4 та моддада (90-93-моддалар) акс эттирилган[8, вв.18-18от].

Амалга оширилган ички таҳлил ҳам "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар"нинг 1867 йилда кучга кирган "Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом лойиҳаси" асосида ишлаб чиқилганлигини тасдиқлайди. Ўлка бошлиғи Ҳарбий вазирга ёзган муносабат хатида таъкидлаганидек, "Зарафшон музофотини тузиш бўйича муваққат қоидалар"га "Низом лойиҳаси"нинг барча асосий жиҳатлари киритилган бўлиб, уларнинг қўлланилиши ва ишчанлиги тажриба билан исботланган[7, в.29от]. Жумладан, "муваққат қоидалар"нинг 93-моддасига мувофиқ "Зарафшон музофоти тиббиёт хизматчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари "Низом лойиҳаси"нинг 382-, 383-, 384-, 385- ва 386-моддалари билан белгиланган" [8, в.18от]. Яъни, "муваққат қоидалар"нинг 1 та моддасига аниқлик киритиш учун, "Низом лойиҳаси"нинг 5 та моддасига мурожаат қилишга тўғри келади. Бу иккала қонунчилик ҳужжатининг биргаликда ўрганилиши, "муваққат қоидалар"га киритилган моддалар мазмунини кенгроқ тушунишга имкон беришини аниқлатади.

Ўлка бошлиғи сиёсий ва бошқа сабабларга кўра, "муваққат қоидалар"га ўлкани доимий руслаштириб боришга қаратилган моддаларнинг киритилмаганлигини

маълум қилган бўлсада[7, в.29от], унинг айрим моддаларига ўзининг эътирозлари ва мулоҳазаларини билдирган Стремоуховнинг фикрича, "муваққат қоидалар"да ўлкани руслаштиришга таъсир кўрсатмаслик мақсадига деярли эришилмаган[7, в.32].

"Муваққат қоидалар"га киритилган моддаларнинг айримлари остида "Низом лойиҳаси"да бўлгани каби, эслатмалар келтирилган бўлиб, улар қайд этилган моддага аниқлик киритишда катта аҳамиятга эга.

Вақт ўтиши билан Зарафшон музофотини бошқариш бўйича тўпланган тажрибалар "муваққат қоидалар"нинг қатор моддаларига ўзгартиш ва қошимчалар киритиш заруратини юзага келтириган. Зарафшон музофоти бошлиғи генерал-майор А.К.Абрамовнинг тақдимида бўйича 1868 йил 22 июлда ўлка бошлиғининг 1598-сонли фармойиши билан "муваққат қоидалар"нинг 77-, 1868 йил 31 июлда 1802-сонли фамойиши билан 87-моддаси тахририга ўзгартиш китирилган бўлса[9, вв.18-19], 1869 йил октябрида музофот бошлиғи томонидан "муваққат қоидалар"нинг 8-, 11-, 12-, 20-, 23-, 30-, 39-, 40-, 43-45-, 50-, 55-, 60-70-, 75-, 77-, 83-84- ва 87-моддалари тахририга озгартиш ва қўшимчалар киритиш илгари сурилган эди[9, вв.33-35].

Ўлка бошлиғининг 1869 йил 24 октябрдаги 178-сонли фармойиши билан музофот бошлиғи томонидан илгари сурилган барча таклифлар мақуullanган ва музофотни бошқариш бўйича ҳар қандай ўзгартишларни амалга ошириш унинг бошлиғи ихтиёрида қолдирилган эди[9, вв.36-36от].

Яна бир муҳим жиҳат, Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидаларнинг қонунчилик хусусиятига эга бўлган ёки бўлмаганлиги масаласидир. 2008 йилда чоп этилган "Марказий Осиё Россия империяси таркибида" номли адабиётда Зарафшон музофоти таъсис этилган вақтдан бошлаб бошқарилиши ва мақоми бўйича қонунчилик тартибида тасдиқланган ҳужжатга эга бўлмаганлиги, бу ерда ўлка маъмурияти томонидан 1867 йилги Низом лойиҳаси асосида ишлаб чиқилган "муваққат қоидалар" жорий этилганлиги таъкидланади [10, С.96]. Албатта, маълум бир ҳужжатнинг қонунчилик тартибида тасдиқланмаганлига ишора, унинг қонунчилик хусусиятига эга бўлганлигини шубҳа остига олади. Бу ҳолатда тадқиқотчи олдида "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар"нинг қонунчилик ҳужжати бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш вазифаси пайдо бўлади.

4. Хулосалар:

Қонун нима? Қонун бу ғалаба қозонган ва ҳокимият жиловини ўз қўлида тутиб турган томоннинг хоҳиш-иродаси. 1868 йил май-июн ойларида Бухоро амирлигига қарши олиб борилган ҳарбий юришлар давомида Россия империясининг қўли баланд келди ва ўрта Зарафшон водийсида ҳокимият жиловини унинг қўлига ўтди. Империянинг хоҳиш-иродаси 1868 йил 28 июнда ўлка бошлиғи томонидан тасдиқланган "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар"да ўз ифодасини топди.

XX аср бошларига қадар Россия империясининг чекка ҳудудларини бошқариш учун ишлаб чиқилган Низомлар ва Муваққат қоидалар даврий матбуотда ҳам, расмий ҳукумат ҳужжатларида ҳам қонунга тенглаштирилган ҳужжатлар ҳисобланган [3, С.288]. Умуман олганда қонунчилик хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: маъмурий бошқарув масалаларига бағишланган ва ижтимоий муаммоларга қаратилган [3, С.289]; "Зарафшон музофотини бошқариш бўйича муваққат қоидалар" қонунчилик ҳужжатларининг

катта гуруҳини ташкил этувчи, маъмурий бошқарув масалалари ўз ифодасини топган ҳужжатлар туркумига киради. Шу жиҳатдан "муваққат қоидалар"ни қонунчилик хусусиятига эга бўлган ҳужжат деб ҳисоблаш мумкин.

Бирламчи ёзма манбаларга асосланган ҳолда маълумотларни тақдим этишдаги ушбу чалкашликларни манбалардан манбашунос сифатида эмас, балки истеъмолчи сифатидан фойдаланишнинг устунлиги билан изоҳлаш мумкин. Самарқанд, хусусан, Зарафшон музофоти тарихи бўйича амалга оширилган ва ҳозирда олиб борилаётган тадқиқотларнинг аксариятида юқоридаги каби ҳолатларга дуч келишимиз мумкин. Тадқиқотчилар ўзларига қадар яратилган монографиялар ва махсус адабиётларда келтирилган маълумотларни мутлақ ҳақиқат деб қабул қилмоқдалар. Улар томонидан ўрганилаётган мавзуга доир манбаларнинг чуқур таҳлил этилмаслиги ва келтирилган маълумотларга нисбатан танқидий ёндашилмаслиги натижасида жиддий хатоларга йўл қуйилмоқда.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Morrison A. Russian Rule in Samarkand. 1868-1910: A Comparison with British India. Oxford and New York: Oxford University Press, 2008. - 364 p.
2. История Самарканда. Том первый. -Т., 1969. - 484 с. (The history of Samarkand. Volume One T., 1969 . - 484 p.
3. Источниковедение истории СССР. Под ред. И.Д.Ковальченко. М., "Высшая школа". 1973, - 560 с. (Sources of the history of the USSR. Ed. I.D. Kovalchenko. -M., "Higher School". 1973, - 560 s.)
4. Пардаев К.К. Ўрта Зарафшон (Миёнкол) воҳасининг XIX-XX аср бошларида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. ном. ... дисс. - Тошкент, 2003. - 172 б. (Pardaev K.K. Socio-political, economic and cultural life of the Middle Zarafshan (Miyonkol) oasis in the XIX-early XX centuries: History. nom. ... diss. - Tashkent, 2003. - 172 p.)
5. Саидқулов Т.С. Самарқанд во второй половине XIX - начале XX веков. - Самарқанд, 1970. - 254 с (Saidgulov T.S. Samarkand in the second half of the XIX - early XX centuries. - Samarkand, 1970 . - 254 p)
6. Самарқанд тарихи. 2-томлик. 1-том. - Тошкент: Фан, 1971. - 484 б. (History of Samarkand. Volume 2. Volume 1 - Tashkent: Fan, 1971. - 484 p.)
7. ЎМА 1-жамғарма, 34-рўйхат, 20-иш (NAU, 1 Fund, list 34, case 20)
8. ЎМА 22-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш (NAU, 22 Fund, list 1, case 3)
9. ЎМА 5-жамғарма, 1-рўйхат, 1-иш (NAU, 5 Fund, list 1, case 1)
10. Центральная Азия в составе Российской империи. - М.: Новое лит. обоз., 2008. - 464 с. (Central Asia as part of the Russian Empire. - М.: New lit. conv., 2008 .- - 464 p.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000